

# TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_



QR-kod

2023-yil  
27-dekabr  
CHORSHANBA  
№ 98 (13657)

Очиқ мулоқот

## БИРГАЛИКДА БИЗ КАТТА КУЧМИЗ

Юқори Чирчиқ туманидаги "Astrum IT" академиясида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, секторлар раҳбарлари ва фаоллар иштирокида туман ва шаҳарлардаги ёшлар етакчилари ҳамда вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Учрашув давомида ёшлар билан ишлаш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2024 йилда режалаштирилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, айни пайтда вилоят аҳолисининг 1 ярим миллиондан ортигини, яъни 50,2 фоизини ёшлар ташкил этади. Йил бошидан бери "Ёшлар дафтари"га 37 минг 876 нафар ёш киритилиб, 28 минг 130 нафарига ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 4 минг 74 нафар ёшнинг



тўлов-контракти тўлаб берилди. 1 минг 384 нафарига меҳнат қуроллари олиб бериш, 369 нафарини касб-хунарга ўқитиш учун маблағ ажратилди, 3 минг 225 нафар

ёшга тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, 1 минг 59 нафарининг ҳарбий хизмат бадали қоплаб берилди.

Жорий йилда вилоятда ёшлар



учун турли иншоотлар ишга туширилди. Хусусан, Нурафшон шаҳрида йирик амфитеатр, "Нурафшон арена" спорт мажмуаси, кутубхона, Ангрэн шаҳрида "Дельфин" сузиш ҳавзаси, "Кимёгар" ўйингоҳи, Бекобод шаҳрида футбол академияси, шунингдек, бошқа шаҳар ва туманларда 10 та универсал спорт майдончалари, кутубхоналар ташкил этилди. Мактаблардаги 704 та спорт зали, 886 та кутубхона, 1 минг 169 та компьютер хоналарининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Муносабат

## ЎЗИ УЙҒОҚНИНГ СЎЗИ УЙҒОҚ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари тадбирда уламоларимиз, дин пешволарини инсон қадрини улуғлаш, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларда фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақирдилар. Шунингдек, кейинги йилларда Ҳаж, Умра сафарларига кенг йўл очилаётгани, зиёратга бориб келган ҳар бир юртдошимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги таъкидланди. Аммо, афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмаётгани, зиёрат баҳона ўзини кўз-кўз қилиш, манманликка берилиш каби хунук ҳолатлар кўзга ташланаётгани айтилди.

Дарҳақиқат, Испом дини таълимотида мўмин-мусулмонлар риё ва сумъадан қаттиқ ҳамда қатъий қайтарилади. Риё инсонлар орасида руҳий таъсир, шон-шухрат, моддий фойда учун қилинади. Дунёга оид бу каби моддий ва маънавий фойдаларни қўлга киритиш учун динга бўлган ҳурмат ва эътиборни суистеъмол қилиш риёнинг энг ёмон шаклидир. Афсуски, ҳали-ҳануз Умра ёки Ҳажга бориб келган айрим кимсаларнинг ҳўжақўрсинга иш тутиб, ақлга сиймайдиغان аллақандай ишларни ўйлаб топиб, бу ишларини оммага ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этиши одамларнинг нафратига сабаб бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## МАЪНАВИЯТ БИЛАН МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайди. У ҳақ сўздан, пок сўздан руҳий қувват олади. Тирик сўз, уйғоқ сўз эса миллатни тарбиялайди, дейди устозлар. Яна айтишадикки, ҳар бир халқ улкан дарактга ўхшайди, унинг илдизлари нақадар тегин бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улғур бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томирдир. Аслида, миллат юксак маънавият, комил ахлоқ билан барҳаёт. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "Маънавият бамисоли бир байроқ. Бу эзгулик байроғи, меҳр-муҳаббат, оқибат, тарбия ва ахлоқ, одамийлик ва юксак ватанпарварлик байроғидир".

Маънавият байроғи миллатимиз ва халқимизни эзгулик ҳамда бунёдкорлик йўлида бирлаштиради. Шу соҳада фаолият юритаётганим учун маънавиятнинг замони, замонавийлиги бўлмаслигини, у ҳамisha давр билан рўхдош эканини, инсон камолоти, унинг фикрий тарбиясидаги ўрнини юксакларга кўтаришини айтмоқчиман.

22 декабрь куни Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишини ўтказди. Кўпга йўналишларда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди. Сўнгги йилларда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ўтхалиб, ижтимоий соҳалар ривожига ажратилган маблағ ҳажми 2016 йилдагидан 5,6 баробар ошганини таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлигида жорий йил «Аёллар дафтари» бўйича бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда Хотин-қизлар бўйича республика комиссияси аъзоси, бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова иштирок этди. Унда дастурнинг навбатдаги 5-босқичини жорий этиш борасида кўрсатма ва тушунтиришлар ҳам берилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда 72 нафар ёшга «Ёшлар жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 373 миллион сўм ажратилди, 6 нафарининг «Қолажак касблари» лойиҳаси доирасида ойлик курс тўловлари тўланди. 4 нафар ишсиз ёшга ўзини ўзи банд қилиши учун керакли иш қуроллари ва асбоб-ускуналар олиб берилди.

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими ташаббуси билан 27 декабрь оқшомида илк бор «Дрон-шоу» ўтказилди. Шаҳардаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг стадионида 250 та дрондан фойдаланиб, кенг қўламли шоу-томоша ташкил этилди.



ЯНГИЙЎЛ туманининг "Бунёдкор" маҳалласи кўчалари «Равон йўллар» қурилиш корхонаси томонидан асфальтланмоқда. Биринчи босқичда Қўшбеги кўчасида узунлиги 410 метр, эни 4 метрли йўл асфальтланди.



## "Ширинликлар олами" га саёҳат

Тошкент туманида жойлашган "Progom Ticaret" корхонаси ўз маҳсулотлари билан республикамизда яхши танилган.



— 15 йил аввал қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан фаолиятимизни бошлаган эдик, — дейди МЧЖ раҳбари Нодир Мирнигматов. — Бугунги кунда корхонамизда 50 дан ортиқ турдаги қандолат ва сақич тайёрланиб, махсус буюртма асосида барча вилоятларга етказилади. Шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Афғонистон ҳамда Россия давлатларига экспорт қилинади.



Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

## "ҚЎШЁҒОЧ"ДА ҚЎШ ТАШАББУСЛАР

Бандлик

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ишсизлик кўпга муаммоларга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда тadbirkorликни ривожлантириш, фуқаролар бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари аҳолига яқин кўмакчи бўлмоқда.

2



## Мўжизавий байрам шукузи

Янги йил байрамини ҳаммадан ҳам болажонлар орзиқиб кутишади. Чунки улар мўжизаларга ишоншади.

Шу кунларда вилоятимиздаги мактабгача таълим ташкилотларида Янги йил байрами тadbirkorлари бўлиб ўтмоқда.

Зангиота туманидаги 1-сонли мактабгача таълим ташкилотида байрамнинг асосий меҳмонлари — Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртак қаҳрамонлари иштирокида мўжизавий дастур ташкил этилди. Tadbirkor тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари томонидан ижро этилган сахна кўринишлари, шеър ва



қўшиқлар барчага завқ бағишлади. Болажонлар маза қилиб рақсага тушишди. Қорбобо ва Қорқиз болаларга Янги йил совғаларини улаштириш. Мўжизалар олиб келувчи, орзуларни рўйга чиқарувчи байрам шукузи кичкинтийларга олам-олам қувонч улашди.

Ўз муҳбиримиз Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшлар етакчилари ташаббуслари билан шу кунга қадар 591 та тўғарак ташкил қилиниб, 32 минг 980 нафар йигит-қиз қамраб олинган. Шу билан бирга, ёшларни қўллаб-қувватлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг биринчи мавсуми лойиҳаларида 373 минг 898, иккинчисида 403 минг 560 нафар йигит-қизнинг иштироки таъминланган. Биргина ахборот технологиялари лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мингдан ортқ маҳаллаларда 1 минг 669 та "Киберспорт" ва "Тез ёз.уз" мусобақалари ҳамда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида 136 минг 742 нафар ёш иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди.

Умуман олганда, жорий йилда ёшлар билан ишлаш аввалги йилларга қараганда сезиларли даражада яхшиланди. Хусусан, уларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолмади. Таҳлилларга кўра, Тошкент вилояти ёшлар ишлари бошқармасига: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан — 583 та, "Ёшлар портали" телеграм бот орқали — 622 та, ижтимоий тармоқлардан — 604 та, жами 1 минг 809 та мурожаат келиб тушган, шундан 1 минг 18 таси ижобий ҳал этилган.

Бундан ташқари, оғир тоифага тушиб қолган ёшлар билан алоҳида ишлаш учун вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари бириктирилди.

Вилоятдаги фаол ёшларнинг 4 нафари "Мард ўғлон", "Келажақ бунёдкори" давлат мукофоти, 25 нафари турли кўкрак нишони, 200 нафардан

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ортиги турли мукофотлар билан тақдирланди.

Учрашувда вилоят ҳоқими маҳаллаларда маънавий муҳитни соғомлаштириш мақсадида ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича таклиф берди.

# БИРГАЛИКДА БИЗ КАТТА КУЧМИЗ



— Ёшлар орасида китобхонликни янада оммалаштиришимиз зарур, — деди Зойир Мирзаев. — Бунинг учун маҳаллаларда кутубхоналарни қўлайтириш ва китоблар билан бойитиш керак. Эндиликда уйда кутубхона ташкил қилган ёшларга 20 миллион сўмга маблағ берилади. Бундан ташқари, маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этишда ўша худуд-

даги йигит-қизларнинг қизиқишларини инобатга олиш лозим. Негаки, кўп тўғараклар гўё мажбуриятдан ташкил этилгандек. Ҳеч ким ёшларнинг қайси спорт турига қизиқишини сўраб ҳам ўтirmайди. Эндиликда бу масалани шахсан вилоят ёшлар сиёсати

ва спорт бошқармаси назоратга олади. Яна бир гап, 2024 йилдан ҳар чорак якунида ёшлар етакчиларининг энг яхшиларини аниқлашда маҳалланинг оғирлик даражаси, аҳоли сони, ижтимоий ва саноат объектлари бор ёки йўқлиги эътиборга олинади. Шу пайтага қадар худуд имконияти инобатга олинмас эди. Натijaда, яхши ишлаган ёшлар етакчилари эътибордан четда қоларди. Янги тизимда бундай бўлмади. Энди ўрнатилган етакчилар чет элга жўнатилади ва шу орқали хориз тажрибаси йўлга қўйилади. Авваллари топшириқлар қозғаларда қўлиб кетарди. Бундан буюғига вазифалар ижроси бўйича шахсан бошқарма раҳбарларидан ҳисоб сўралади.

Шунингдек, мулоқотда вилоят раҳбари бугунги тўй маросимларини танқид қилди. Мутасаддиларга "Маърифатли тўй" дастурини ишлаб чиқиш

## "ҚЎШЁҒОЧ" ДА ҚЎШ ТАШАББУСЛАР

Янгийўл тумани "Қўшёғоч" маҳалласи ҳоқим ёрдамчиси Дилмурод Ваҳобов ҳам худудда тадбиркорликни ривожлантириш учун яхши ташаббуслар кўрсатмоқда.

— Кўп ёшлар тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлашади, — дейди Д. Ваҳобов. — Лекин етарли маблағи йўқ. Уларнинг хунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, кредитлар олишда кўмаклашдик. Ҳозир маҳалладан узоқлашмаган ҳолда ўз бизнесини ташкил этиб, оиласи ва маҳалладошларини иш билан банд қилаётган фуқаролар кўпаймоқда.

Жумладан, Нилуфар Эргашева ҳоқим ёрдамчиси кўмаги билан 22 миллион сўм кредит олиб, тикув машиналари сотиб олди. Ҳозирда ўзи билан яна 2 та аёлни иш билан таъминлаган, буюртмаларнинг эса кети узилмаяпти.

МДФ эшик-ром ишлаб чиқарадиган "Наврўз" МЧЖнинг эгаси Наврўз Пардабобов кўп йил шогирд тушди. Ўз ишини йўлга қўйиб, маҳаллада бўш турган бинода иш бошлади, буюртмалар ҳам кўпайди. Айна пайтада ўзи ҳам ёнига шогирдлар олди. Янги техникалар билан ишининг сифати яхшиланди.

Ҳоқим ёрдамчисига маҳаллада турган бўш ер ва бинолардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

вазифалар қўйилганди. Мазкур маҳалладаги бўш бинода фаолият бошлаган "Braus.uz" тикув цехи ҳоқим ёрдамчи тавсияси билан очилди. Якка тартибдаги тадбиркор Ақром Нуриддинов бошчили-

даги цехда автомобиллар учун гилофлар тикилмоқда. — Асли бу маҳаллалик эмас-



моқчимиз.

Ақром ақанинг айтишича, автогилофлар касаначилик асосида тикув учун 50 та хонадонга жўнатилади. Касаначилар фақат Янгийўлда эмас, балки Бекобод, Пискент ва Зангиота туманларида ҳам бор.

Ана шундай сабаб-ҳаракатлар сабаб бугун маҳаллада ишчилар камайиб, аҳолининг ҳаёти фаровонлашмоқда.

Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Жалолiddин ЭСОНОВ олан суратлар

## Грант доирасида ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Ҳозирги кунда дунёда миссионерлар ўз гўяларини тарғиб қилишда наشريётлар, хайрия ва нодавлат нотижорат ташкилотлар мақомидан фойдаланишга уринишлари сир эмас.

Ёшларимиз онгини ташқи ахборот майдонида мавжуд турли таҳдидлардан асраш учун уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни миллий-маънавий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашимиз керак.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2022 йилда "Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг таълим-тарбияси ва миллий ҳамжиҳатлик" мавзусида эълон қилинган 3-давлат грантининг "Миссионерлик ва прозелитизм таъсиридан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш" йўналишида Оҳангарон туманининг "Нуробод" маҳалла фуқаролари йиғини голиб бўлган эди.

Лойиҳани амалга оширишга малакали ходимлар бирикти-

рилди. Мутахассислар томонидан Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Оҳангарон, Нурафшон, Янгийўл шаҳарлари ва Урта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон, Бўқа, Бекобод, Бўстонлик, Оққўрғон туманларида тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларга 780 нафардан ортқ тинловчи-лар қамраб олинди.

Тадбирларга Ўзбекистон халқаро Ислоҳ академиясининг илмий ходими жалб этилиб, миссионерлик ва прозелитизм таъсиридан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

А. ЙЎЛДОШЕВА, Оҳангарон тумани "Нуробод" маҳалласи раиси

ва аҳолига намуна бўлиши учун халқимизнинг миллий маданиятига хос бўлган энг гўзал аъёналар, куй-қўшиқларни тарғиб қилиш кераклиги айтилди. Бунда ёшлар ташаббус кўрсатишига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувнинг иккинчи қисмида ёшларнинг таклиф ва мурожаатлари тингланиб, улар билан ҳамкорликда ишлаш бўйича бошқарма раҳбарларига топшириқлар берилди.

— Чирчиқ шаҳриданман, — дейди Нигина Норматова. — 5 йилдан бери мақом чолғучилиги билан шуғулланаман. Жорий йилда Жиззахда ўтказилган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг республика босқичида иштирок этиб, "Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги" йўналишида биринчи ўринни кўлга киритдим. Бугун вилоятда шашмақом танловини ўтказиш бўйича ўз таклифини билдирдим. Вилоят ҳоқимига таклифим маъқул келиб, келгусида бу каби танловларни ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқишлигини айтди.

— Ҳозирги ёшлар жуда интилувчан, — дейди Урта Чирчиқ туманининг "Файзобод" маҳалласи ёшлар етакчиси Нозима Ақромова. — Айниқса, спортга жуда қизиқшади. Жорий йилда ўтказилган "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг республика босқичида маҳалламиз жамоаси волейбол мусобақасида биринчи ўринни кўлга киритди. Бугун энг фаол ёшлар етакчиси, деб топилди. Менга билдирилган ишонччи оқлаш учун янада яхши ишлашга ҳаракат қиламан. Бугунги учрашувда билдирилган ҳар бир фикрни инобатга олиб, келгуси режаларга киритамиз.

Сурхобжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Жалолiddин ЭСОНОВ олан суратлар



ман, — дейди тадбиркор. — Аввал уйимдаги кичик цехда ишлардик. Буюртма кўп, ишчи кучи кам, жой тор.

Шундан сўнг касаначилик асосида хонадонларга ҳам иш беришни йўлга қўйдик. Ишни кенгайтириш учун жой излаётганим. "Қўшёғоч" маҳалласи ҳоқим ёрдамчисининг таклифи билан икки қаватли биного кўчиб ўтдик. Янги техникалар сотиб олдик. Иш ҳажми, ишчилар сони ҳам ортди. Маҳсулотимизнинг 20 фоизи Қозоғистонга экспорт қилинади, қолгани ички бозорга йўналтирилади. Кейинчалик гилам тўқишни ҳам йўлга қўй-

моқчимиз.

Ақром ақанинг айтишича, автогилофлар касаначилик асосида тикув учун 50 та хонадонга жўнатилади. Касаначилар фақат Янгийўлда эмас, балки Бекобод, Пискент ва Зангиота туманларида ҳам бор.

Ана шундай сабаб-ҳаракатлар сабаб бугун маҳаллада ишчилар камайиб, аҳолининг ҳаёти фаровонлашмоқда.

Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Жалолiddин ЭСОНОВ олан суратлар

# ЎЗИ УЙҒОҚНИНГ СЎЗИ УЙҒОҚ

Бундай ҳолатлар жуда хатарлидир. Чунки риё ҳадиси шарифда ширкка тенглаштирилади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: "Шубҳасиз, риё ширкдир" (Имом Ибн Можа ривояти).

Биз ҳар қанча яширсак ҳам риё барибир кўзга ташланади. Риёнинг ҳаммаси ахлоқсизлик бўлгани каби ибодатларда риёкор бўлиш энг катта ахлоқсизлиқдир. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: "Албатта сиз учун энг кўрқадиган нарсам, кичик ширк, яъни риёдир", деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ибодат Аллоҳ таоло учун қилинади. Аллоҳнинг розилигидан бошқа мақсад учун қилинган ибодат Парвардигорнинг ғазабига гирифтормун қилади. Аллоҳ таоло Каломulloҳда бундай марҳамат қилади: "Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, молини Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмасангиз, кишиларга риё учун нафақа қилганга ўхшаб бекорга кетказманг. У мисоли бир устини тупроқ босган силлиқ тошга ўхшайди. Бас, кучли ёмғир ёгса, силлиқ бўлиб қолади. Касб қилганларидан ҳеч нарсага қодир бўлмаслар" (Бақара сураси, 264-оят).

Аллоҳнинг буйруғини ва розилигини ўйлаб эмас, диндор кўриниш учун ибодат қилиш, олим ва билимли дейишин, дея илм билан машғул бўлиш, саҳий деб номланиш учун закот ва садақа бериш, риёдан иборат ёмон ҳаракатдан бошқа маънони ифода қилмайди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Аллоҳга ва инсонларга қарши ўзини самимий тутиб риёдан узоқ туриш, илжои бўлса, ибодатларни яширин қилиш, Аллоҳнинг розилигини инсонларнинг мақтовига, истагига, кўрқувига қарши танлаш ҳар бир мусулмоннинг тамойили бўлиши керак.

Ҳаж ва Умра, барча ибодатлар ҳолиси Аллоҳ таоло учунгина қилиниши шарт. Одамлар кўрсин учун, риё учун қилинган ибодат мўмин-мусулмоннинг савоб олишига эмас, аксинча қаттиқ гуноҳкор бўлишига сабаб бўлади.

Ҳажга, Умрага бориб келган киши одамларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариши керак. Бу Аллоҳ таолонинг буйруғидир: "Сизлардан яхшиликка давъат этадиган, амри маъруф ва наҳйи мунакар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир" (Оли Имрон сураси, 104-оят).

Юртбошимиз йиғилишда Исҳоқхон тўра Ибрат домланинг "Уламо ғайрат этганда миллат, албатта, ислоҳ топув", деган ҳикматли сўзларини келтирдилар.

Шундан келиб чиқиб, биз аҳли илмлар, дин пешволари ҳеч нарсага қодир бўлмаслар" (Бақара сураси, 264-оят).

Аллоҳнинг буйруғини ва розилигини ўйлаб эмас, диндор кўриниш учун ибодат қилиш, олим ва билимли дейишин, дея илм билан машғул бўлиш, саҳий деб номланиш учун закот ва садақа бериш, риёдан иборат ёмон ҳаракатдан бошқа маънони ифода қилмайди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# МАЪНАВИЯТ БИЛАН МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Бугунги глобаллашув шароитида маънавий тарбиянинг ўрни беқийс. Чунки маънавият, маърифатли инсон миллатини севади, уни асрайди. Илмсиз, билимсиз, тафаккурсиз катта марраларни кўзлаб бўлмайди. Албатта, юксак марраларга эса маърифат билан, маънавият билан, китобхонлик билан эришилади. Маънавий тарбия тўғри йўлга қўйилмаган жойда маърифат бўлмайди, маънавият ҳам, илмий тараққиёт ҳам оқсайди.

Шу ўринда яна бир гап. Президентимиз Сурхондарёга ташрифи доирасида билдирган таклифи асосида Сурхондарё тажрибаси сифатида жойлардаги Маънавият

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ва маърифат кенгашлари ишчи тузилмаси сифатида фаолият кўрсатадиган худудлардаги 4 та секторда кўшимча "Маънавият сектори" ташкил қилинапти.

Бу сектор оила, марраларни кўзлаб бўлмайди. Албатта, юксак марраларга эса маърифат билан, маънавият билан, китобхонлик билан эришилади. Маънавий тарбия тўғри йўлга қўйилмаган жойда маърифат бўлмайди, маънавият ҳам, илмий тараққиёт ҳам оқсайди.

Шу ўринда яна бир гап. Президентимиз Сурхондарёга ташрифи доирасида билдирган таклифи асосида Сурхондарё тажрибаси сифатида жойлардаги Маънавият

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

маҳалла, таълим ташкилотларида маънавий тарбия узвийлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини яратди. Чунки маънавият жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмун ва сифатини белгилайдиган пойдевордир.

Сайёра ФАЙЗИЕВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари

ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхонада 160 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланган. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши ортидан ҳозирда яна

## "Ширинликлар олами"га саёҳат

ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхонада 160 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланган. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши ортидан ҳозирда яна

50 та бўш иш ўрни мавжуд. Янги келганларга шу ернинг ўзида иш ўргатилиб, кейинчалик ишга қабул қилинади. Синов даври учун ҳам маош тўланади.

— Бу ерда 13 йилдан бери ишлайман, — дейди Клара Саиджамолова. — Корхонада ишчи-ходимлар учун зарур шароитлар яратилган. Ишга қатнашимиз учун транспорт йўлга қўйилган, 2 маҳал иссиқ овқат берилади. Болажон-

ларни хурсанд қиладиган ширинликлар ишлаб чиқаришга хисса қўшаётганимдан хурсандман.

Корхона раҳбарияти 2024 йилда Хитой билан янги замонавий автоматлаштирилган техникалар-

ни ўрнатиш бўйича шартнома имзолаган. Унга кўра, ишлаб чиқариш жараёнининг маълум қисми тўлиқ автоматлаштирилади. Бу орқали иш унумдорлиги янада ортади.

Дарвоқе, Янги йил байрами арафасида корхонада иш жараёни янада жадаллашган. Боиси, болажонлар учун байрам совғаларининг асосий қисми шу корхонада тайёрланади. Шу сабабли иш жараёни 24 соатлик тизимда давом этмоқда.

Сурхобжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Жалолiddин ЭСОНОВ олан суратлар

## Эзгулик БОЛАНИНГ БИРИНЧИ СЎМИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги педагогика касб-хўна қоллежида тумандаги 55 та умумтаълим мактаблари ва 124-ихтисослаштирилган интернат ўқувчилари ҳамда хунарманд ёшлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ярмаркаси бўлиб ўтди.



Тадбирни туман ҳоқими Ихтиёр Қосимов очиб, йигилганларни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклиди.

— Бугун ўқувчилар ва худудлардаги ёш хунармандларнинг кўп меҳнатлари билан ясалган буюмлар ярмаркасини ташкил этдик, — деди туман ҳоқими. — Улар орасида ногиронлиги бўлган болалар ясаган буюмлар ҳам бор. Бу тадбир, аввало, болаларни руҳлантириш, уларга мотивация бериш мақсадида ташкил этилди. Сабаби, улар ўз меҳнатлари билан яратган буюмини сотиб олинганини кўрганида, қўлига ўзи толган биринчи сўмини ушлаганида ҳаётга бошқача назар қарай бошлашади. Бундан бир ой илгани Нурафшондаги "Ёшлар маркази"да бўлиб ўтган "Сен қулсан!" лойиҳаси каби, бугунги тадбиримиз ҳам болаларга кўнч бағишлашига ишонаман.

Тадбирга келган ҳар бир иштирокчи, сектор раҳбарлари, ҳоқим ўринбосарлари, фермерлар, ташкилот ва корхоналар ишчи-ҳодимлари ярмаркадаги буюмлардан харид қилишди.

— Ярмаркада минглаб маҳсулотлар намойиш этилди, — дейди туман Мактабга ва мактаб таълими бўлими мудирини Ориф Дадаматов. — Унда юмшоқ уйинчоқлар, суратлар, соатлар, шунингдек, рўзгор учун зарур бўлган ошхона буюмларидан тортиб хокандоз, ўроқ, арғимчоқларгача бор. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ярмаркада кун давомида 70 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар сотилди.

— Уч йилдан буён тумандаги 124-маҳсус мактаб интернатда меҳнат фанидан дарс бераман, — дейди Зилола Қаландарова. — Интернатимизда 170 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Имкон қадар уларни "Моҳир кўллар" тўғарига жалб қилганмиз. "Ёшлар маркази"даги ярмаркада ўқувчиларимиз ясаган буюмлардан 800 минг сўмлик сотгандик. Бугун эса бир соат ичида 1 миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Бу пулларни болалар эҳтиёжи учун сарфлаб, меҳнатлари самарасини кўрсатамиз. Ишонинг, бу улар учун катта мотивация бўлади.

Яқунда туман ҳоқими бу каби тадбирларни йил давомида тўрт марта ўтказиш таклифини берди.

Толиб ҲАКИМОВ

Янги тизим

ПЕНСИЯ УЧУН ПАСПОРТ КИФОЯМИ?

Пенсия ёшига етган фуқаронинг овозагарчиликларини бошидан ўтказганлар яхши билишади. Бир неча жойда ишлаган пенсионер керакли ҳужжатларни қидириб, қанча ташкилот ёки идораларнинг эшигини қоқади. Уларнинг орасида ёпилиб кетганлари бўлса, архивга йўл олади. Ҳужжатлар у ердан ҳам топилмаса, муаммо устига муаммо, сарсонгарчилик. Хуллас, 2022 йилнинг 1 июнига қадар пенсия тайинлаш учун фуқародан 14 та ташкилотдан 30 дан ортиқ ҳужжатни тўплаб келиши талаб этилган.

тақдим қилинади. Уша ҳужжат билан Халқ банкига бориб, жамғараб бориладиган пенсия ҳисобварағидида маблағни олиш мумкин эди. 2024 йилнинг 1 январидан ушбу сертификатни бериш амалиёти тугатилмоқда. Энди барча маълумотлар ахборот алмашинув тизими орқали банкка тақдим этилади. Фуқароларга давлат пенсиялари тайинланганидан сўнг уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Халқ банкининг мобил иловаси орқали олиш имконияти яратилади.

Проактив шаклда пенсия тайинлаш тизимида фуқаро киришиди. Шу аснода «Уйда ёлғиз» фильмининг сценарийси яралган.

Бугун эса ахвол бутунлай ўзгарди. Пенсия тайинлашда биргина шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт тақдим этилса кифоя. Хўш, бу қандай бўлади?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 октябрдаги “Аҳолига пенсия тайинлаш бўйича кўрсатилмаган давлат хизматлари сифатини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада катта қўлайлик яратди, – дейди бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Зангиота тумани бўлими мутахассиси Ғофир Ҳақимбуваев. – Эндиликда олтимиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга етган аёлларга пенсия шу куннинг ўзида автоматик тарзда тайинлашни чоралари кўрилмақда.



Аҳамиятлиси, бунда фуқародан қўшимча ҳужжат талаб этилмайди. Бу амалиёт 2025 йил 1 мартдан бошлаб жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур қарор юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг ифодасидир. Шунингдек, аҳолига пенсия тайинлаш тизимига замонавий ахборот технологиялари ҳам татбиқ этиляпти. 2024 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларга давлат пенсияларини тайинлашда амалдаги тартибга қўшимча равишда (уларнинг хоҳишига кўра) Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам муурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

родан бирор ҳужжат, ҳатто, ариза ҳам талаб қилинмайди. Ахборот марказларидан маълумотлар олиниб, фуқарога давлат хизматлари кўрсатилади.

Қарорга кўра, фуқароларга ёшга доир пенсияларни проактив шаклда тайинлаш тартибини амалиётга жорий этиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди. Унга асосан, 14 та вазирлик ва идоранинг маълумотлар базаси 2025 йил 1 мартга қадар инвентаризация қилинади. Пенсия тайинлаш учун зарурий ҳужжатлар тўлиқ рақамлаштирилади.

Айрим ҳолларда пенсия ёшига етсада, меҳнат фаолиятини давом эттириш истагида бўлганлар ҳам учрайди. Янги тартибга кўра, улар проактив шаклда тайинланган пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ёшга доир пенсия фуқаронинг кейинчалик қилган муурожаати асосида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра белгиланган тартибда қайта ҳисобланади. Шундан сўнг тегишли тартибда пенсия тайинланади.

Нозима РАСУЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

СЦЕНАРИЙНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ

Фоя фильм продюсери Жон Хьюзга тегишли бўлиб, ҳаётда учраб турадиган кичик маиший муаммолар асосида ўйлаб топилган. Унинг таъкидлашича, кунларнинг бирида таътилга кетиш олдидан ўзи билан олиши лозим бўлган нарсалар рўйхатини тузади. Шунда 10 ёшли ўғлимни уйда қолдирганимда яқка ўзи нима қилган бўларди, деб ўйлаб, 8 саҳифали фильм гоёсини ёзиш-

ёлланди, аммо икки кунлик машқларга қарамай, Пеши ролга мослашолмаганидан сўнг режиссёр Стернни қайтаришга қарор қилади. Стерн рол ва суратга олиш жараёнини қилиб, ҳайрат билан хотирлайди:

«Каскадёрлар учун берилган ролни ижро этиш осон эмас. Каскадёрлар жамоасида 10 ёшли Калкин ҳам бор эди. Дубллар давомидаги оғриқлар ҳазилакам эмасди. Бундай вақтларда мен фақат ва фақат болаларнинг тирик қолиши ҳақида ўйлайман», – дейди у.

рекордини ушлаб турган. Бундан ташқари, у 2018 йилга қадар энг кўп даромад кўрган Рождество фильми эди.

“Уйда ёлғиз” биринчи бўлиб 1991 йил 22 августда катта экранларга чиқарилган. Кейинчалик 1999 йил 5 октябрда асосий пакет сифатида чиқарилди. Фильм 2015 йилда “Уйда ёлғиз”нинг 25 йиллиги. Якуний коллекциянинг Рождество нашини” деб номланган ягона кутидан тўртала қисмлари қайта сотувга чиқади.

га тушиш сабабини айтади.

«Нью-Йоркдаги аксарият жойларда бўлгани каби биз фильм воқеаларини суратга олиш учун тўлов қилишимиз керак бўлган. Вестибуль саҳнасини суратга олишни режиссёрларимиз учун Трамп эгаллик қилган “Plaza” меҳмонхонасини танлади. Чунки суратга олиш майдончасида махсус декорацияларни кура олмагандик», – дейди Коламбус.

Режиссёрнинг сўзларига кўра, у Трампнинг меҳмонхонадаги саҳнасини суратга олиш шартларига рози бўлган. “Plaza”да суратга олишнинг ягона шарти бор, яъни мен фильмда роль ўйнашим керак», – деган Дональд Трамп.

Шундан сўнг Коламбус унга фильмда роль ижро этишга рухсат берган. Режиссёрнинг айтишича, Трамп билан боғлиқ саҳна фокус-гурӯҳга намойиш этилганда гуруҳдагилар ушбу саҳнани илиқлик билан кутиб олган.

«Шундан сўнг мен ушбу саҳнани фильмда қолдиришга қарор қилдим», дея эслайди Крис Коламбус.

КЎШИЛГАН САҲНАЛАР

Бош қаҳрамон Кевиннинг ҳаммомда ўзининг юзига уриб, бақирган саҳнаси эсингиздами? Бу жой сценарийда бўлмаган, буни актёрнинг ўзи ўйлаб топган ва у сюжетга яхши тушган.

Кевиннинг боқинчилардан қочишига ёрдам берган тарантул – ҳақиқий ўргимчак. Бола Марвиннинг юзига шу ўргимчакни қўйиб юборади. Актёр тарантулни қўриқтиб юбормаслик учун бақираётган саҳнада шунчаки оғзини очиб туради, бақираётган овоз эса кейин монтаж орқали берилади. Бу саҳна битта дублда олинган, сабаби актёр қайта олишга рози бўлмаган.

Фильмда Кевин гангстерлар ҳақида кино кўради. Бу кино эса аслида йўқ, унинг шу эпизодлари атайлаб фильм учун олинган.

Суратга олиш ишларида актёрларнинг жароҳатланмасликлари учун муляжлардан фойдаланилган. Марвиннинг оёғига кирган арча ўйинчоқлар, шиша идиш, ойна синиқлари – буларнинг ҳаммаси қотган шакар қиёмидан тайёрланган. Лекин шунга қарамай актёр оёғига резинадан тайёрланган ҳимоя воситасини кийиб ўйнаган.

Маккалистерлар яшаган уй ҳақиқий. У Иллинойс штатида, Линкольн Авеню, 671 манзилда жойлашган. Суратга олиш жараёнида унинг биринчи қавати, холл ва ошхона тушган. Қолган жойлар декорация қилинган. Ҳозирда бу уй сайёҳлар учун музейга айланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

«Уйда ёлғиз» фильми экранларда илк бор 1990 йилда пайдо бўлган. Ушандан бери бу фильм Янги йил рамзига айланган ҳамда каттаю кичик томошабинлар томонидан бирдек севиб томоша қилинади.

“Уйда ёлғиз”:

97-ЙИЛ РАМЗИГА АЙЛАНГАН ФИЛЬМ

га киришади. Шу аснода «Уйда ёлғиз» фильмининг сценарийси яралган.

КАСТИНГ

Фильмдаги Кевиннинг акаси бўлмиш Базинг қиз ўртоғи ёдингиздами? Кевин расмини топгач, қандай ёқимсиз истеҳзо қилгани-чи? Режиссёр ҳазилга хизмат қилувчи бундай қизни кинода акс эттириш ва персонажни хафа қилиб қўймаслик учун кино сеҳридан фойдаланишга қарор қилади. У фильм бадиий директори Ден Вебстернинг ўғлидан ушбу ролда маҳорат билан фойдаланган: соч париги, грим... булар режиссёрнинг хаёлидаги ролни очиб беришда асқатган.

Фильмни асосий қаҳрамонларсиз – Кевин, «хўл ўғрилари» – Гарри ва Марвинларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Режиссёр Кевин ролни учун юзлаб актёр болалар орасидан «Баки тоға» фильмидаги маҳоратли ижроси учун Маклолей Калкинни танлайди. Уғрилардан бири Гарри ролига аввал бошдан Роберт Де Ниро ва Жон Ловитс жалб қилинган эди. Иккала актёр ҳам ролни рад этганидан сўнг Жо Пеши бу ролни ижро этган.

Марвин ролни Дениел Стерн суратга олинган, аммо кўп ўтмай, иш ҳақи оширилмагани учун у ролни тарк этди. Унинг ўрнига тезда бошқа актёр



ФИЛЬМ КАССАСИ

«Уйда ёлғиз» Қўшма Штатлар ва Канадада 285,8 миллион доллар, бошқа мамлакатларда 190,9 миллион АҚШ доллари «ишлаб топди». Кино бюджетини 18 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, дунё миқёсда умумий 476,7 миллион доллар фойда келтирган. Шу сабабли Гиннеснинг рекордлар китобида «Жонли эфирда энг кўп даромад келтирган комедия» сифатида киритилган. Шунингдек, 2011 йилгача энг кўп даромад келтирган экстремал комедия

2020 йил 15 сентябрда «Уйда ёлғиз»нинг 30 йиллик юбилейи муносабати билан фильмнинг Ultra HD Blue-ray формати чиқарилди.

ТРАМПНИ ТАНИДИНГИЗМИ?

«Уйда ёлғиз – 2» фильмининг режиссёри Крис Коламбус интервьюларида Американинг собиқ президенти Дональд Трамп ўзининг «Plaza» меҳмонхонасида суратга олиш ишлари бўйича музокаралар пайтида қандай шарт қўйгани ва унинг фильмда сурат-

Қиш келиши билан ис газидан захарланиш ва бунинг оқибатида фуқароларнинг ҳаётдан кўз юмиши билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски, кўпаяди.

Эҳтиёт шарт

Ис газини (СО) рангсиз, ҳидсиз захарли бирикма бўлиб, организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади ва гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартаба кучли бирикма – карбоксигемоглобинни ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса – аноксияга

КЎРИНМАС ЁВ ҚУРБОНИГА АЙЛАНМАНГ

олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Утган 2022 йилда Тошкент вилоятида ис газидан захарланиш бўйича 7 та ҳолат қайд этилиб, 14 нафар фуқаро ҳалок бўлган эди. Хўш, жорий йилда вазият қандай?

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 21 декабрь ҳолатига кўра, Тошкент вилояти ҳудудида фуқароларнинг ис газидан захарланиш

ҳолатлари кузатилмади. Бошқарма томонидан бундай кўнглисиз вазиятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларга ҳар кун 400 нафарга яқин шахсий тарихи жалб қилинмоқда. Шу кунга қадар 400 мингга яқин хонадон ўрғанилиб, фуқаролар билан ис газидан сақланиш учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги бўйича профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Н. АРСЛОНОВА

Бизнинг суҳбат

Бокс бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда Тошкент вилояти жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, 3 та олтин, 2 та кумуш ҳамда 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Айниқса, -52 кг. вазнда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, шоҳсупа тўридан жой олган 20 ёшли чарм қўлқоп устаси Феруза Казакосанинг жанглари мухлисус мутахассислар эътиборини тортди. Фурсатдан фойдаланиб, чемпион билан суҳбатлашдик.



Менга ишонганлардан МИННАТДОРМАН

– Бокс билан қачондан шуғулланасиз? Ҳар ҳолда қиз боласиз, қаршиликлар бўлганми?

– 8 ёшда эдим. Отам Нодирбек Айсидҳўжаев ўзлари спорт залига етаклаб борганлар. Ҳозиргача ўзлари мураббийлик қилдилар. Албатта, онам ва буюмим: “Қиз бола ҳам бокс тушиб, муштлашадими?” деб қаршилик қилишган. Лекин отам доим мени қўллаб-қувватлаганлар. Юқори

натижаларга эриша бошлаганимдан сўнг оиламиз аёллари ҳам сал ҳовурларидан тушишди. – Олимпиада рекордчиси Оксана Чусовитининг отаси бир интервьюсида қизи ёшлигида машғуллардан кеч чиққани, кўчада совуқда қолиб кетгани, унга ачиниб, бир амаллаб машқларга қатнаши учун велосипед олиб бергани ҳақида айтганди. Сизда бундай ҳолатлар бўлмаганими?

қандай чиқиб кетганисиз? – Саволингизга очиқ жавоб бераман. Шу ёшимгача энг қийин вазият шу йилда бўлди. Осий чемпионатининг саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этиб, Ханжозодаги Осий ўйинларига йўлланмани қўлга киритган эдим. Лекин, тушунарсиз ҳолатлар юз бериб, ҳеч қандай асоссиз ва оғоҳлантиришсиз менинг ўрнимга бошқа спортчини олиб кетишди. Очиги, ўшанда роса алам

қилди, ҳатто боксга қизиқишим сўнди. Қўлим бирор ишга бормай қолди. Яна отам кўнглимни қўтариб: “Ҳар бир ишнинг ортида бир яхшилик бор. Сен ўз вазингда кучли эканингни ҳаммага исботлашинг керак. Барчаси ҳали олинди”, деб менга қайта умид бердилар. Кейинчалик бу мотивациядан руҳланиб, Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиқиб, Олимпиада саралаш турнирида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритдим.

турмушга чиқиб, боксини тарк этди.

– Имон берилса, ким билан жанг қилишни хоҳлардингиз?

– Бокс шафқатсиз спорт. Чемпион бўлмоқчимман, рақиб танлама. Шунчаки, йўлингдан чиққан рақибни мағлуб эт ва мақсадинга эриш. Бу боксининг олтин қоидаси. Шу боис, мен ҳам рақиб танламайман. Рингга кўтарилганимда рақибимни ким бўлишидан қатъий назар мағлуб этишга ҳаракат қиламан.

– Режиссёрнинг ҳақида тўхталсангиз?

– 2024 йил турли даражадаги мусобақаларга бой бўлиши кутилмоқда. Аввало, халқаро турнирларда юқори натижаларни қайд этиб, Париж Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритиш ниятидаман. Энг катта орузим эса Олимпиада чемпиони бўлиш...

– Янги йил тилақларингиз...

– 2024 йил барчага шодлик ва қувонч олиб келисин, орзу-ниятларимиз амалга ошсин. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин. Албатта, барча спортчиларга омад тилайман.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири Суҳробжон САДИРОВ суҳбатлашди

Эълонлар

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Янгийўл шаҳри аҳолисига етказиб бериладиган иссиқлик энергияси хизматларининг янгиланган тарифлари эълон қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг томонидан етказиб бериладиган иссиқлик энергияси хизматлари тарифи тўғрисида”ги қарорига кўра, 2024 йил 1 январдан бошлаб “БИОКИМЭ” акциядорлик жамияти томонидан етказиб берилган иссиқлик энергияси аҳолига – 1 м³ учун 3 539,5 сўм, юридик корхоналар учун 1 Гкал иссиқлик энергияси нархи 218 500 сўм (ҚҚСиз) этиб белгиланди.

“Infin Bank” АТБ Шайхонтоҳур тумани филиали томонидан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани давлат хизматлар марказида 04.04.2022 йилда 1599143 рақами билан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Анваров Шохрух Шухрат ўлига 0751301 дан 0751325 гача берилган рақамли чек дафтарчалари йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## Кўнгил шеваси

## Фурбатда

Мен кетяпман... кўксимга болам,  
Бошингни куй, бошинангни куй.  
Қуршамасин сўнг сўнгсиз алам,  
Кел, нафасим, сасларимга туй!  
Мен кетяпман... одимларим зил,  
Хазондек хотирам, хонам-да хомуш.  
Соғинч обдон эзган бечора кўнгил,  
Йўлингга термулар тун-кун фаромуш.  
Тирикчилик деган юхони енгиб,  
Кел, болам, бағримга босай энтикиб.  
Иши битганим ҳеч бирор ўзбекнинг,  
Уйрим ўтаётир ахир, кўз тикиб?!  
Шу уч сана уч юз санадай кечар,  
Титроқ таним кучар ҳадик, хавотир.  
Мусофирлик муҳрин қандай ўчирай,  
Шу ердаям ахир, насибанг бордир!  
Мақтубларинг малҳам бўлолмас жонга,  
Телефонда тафтинг туйилмас, шерим!  
Меҳр ўзи нима деган инсонга –  
Боламини бағримга бир боссам, дердим...

## Тўртликлар

Баҳорга ўхшайди бахтиёрлигим,  
Шеър базмига ўхшар қушлар хониши.  
Чўққининг бир умр боши қорлидир,  
Ўшандай оқликдир дилнинг хоҳиши.

Ҳаётнинг ўзи-ку бир тугал ҳикмат,  
Тугал бир ҳақиқат, шоиру бахши.  
Яшасанг, изиндан сачраса шиддат,  
Яшасанг, ортиндан сўз қолса яхши!

Ҳаммадан қолгувси бу фоний дунё,  
Бизга аталгани асли қарич ер.  
Шунда-да Саховат қувғинди, гадо,  
Унга-да кўнглинган бир парча ер бер!

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи

## Арча – ҳаёт рамзи

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида Янги йилда арча безатиш анъ-  
анага айланган. Байрам рамзи сифатида нафақат арча, балки игнабаргли  
қорақарағай, оққарағай каби дарахтлар ҳам безатилган.

Бу анъананинг тарихи қа-  
дим замонларга бориб тақала-  
ди. Уша даврдан бери одам-  
лар ҳаёт рамзи бўлган арча  
дарахтининг мўъжизавий қу-  
чига ишонишган ва доим яшил  
тусдаги ушбу ўсимликни жуда  
қадрлашган.

Аввалига улар ўрмонда ёки  
уйлари яқинидаги арчаларни  
кесмасдан, турган жойида бе-  
за-тишган. Кейинчалик уйларига  
олиб келиб, безата бошлаган-  
лар ва бу анъана ҳозиргача  
сақланиб қолган. Аммо анча  
йиллардан бери тирик арчалар

ўрнини сунъийси эгаллаган.  
Янги йил арчаси турли ўйин-  
чоқлар, шарлар, чироқлар,  
фонарчалар, гирляндлар, ко-  
нуслар, ширинликлар билан  
безатилади. Айримлар кириб  
келаётган йил рамзига мос ранг  
уйғунлигига амал қилишади.

ЭНГ СОВУҚ ВА  
ИССИҚ ДЕКАБРЬ

“2021 йил декабрь ойи-  
да эса сўнги 50 йилдаги  
энг иссиқ ҳарорат кузати-  
лган. Республика бўйича  
ўртача ойлик ҳаво ҳарора-  
ти меъёрдан 2-4 даража  
юқори бўлган. Энг иссиқ  
кунларда ҳаво ҳарорати  
кундузи 20-25 даражагача,  
жанубда 26-28 даражага-  
ча кўтарилган. Тошкентда  
декабрь ойи учун мутлақ  
максимал ҳаво ҳарорати  
1915 йилда кузатилган, у  
27,3 даража иссиқни таш-  
кил этган. Декабрь ойи учун му-  
тлақ минимал ҳаво ҳарорати,  
яъни 29,5 даража совуқ 1930  
йилда қайд этилган”, дейилади  
Ўзгидрометнинг маълумотида.



2022 йилнинг декабрь ойи  
биринчи кунлариданоқ қор ё-  
ғиши ва ҳаво ҳароратининг  
кескин пасайиши билан ўзининг  
кишки мавсумдаги ўзгаришларини қайд

этган. Одатий совуқ ҳаво  
деярли ойнанинг урталари-  
га қадар давом этган. Ке-  
часи кўпчилик ҳудудлар-  
да ҳаво ҳарорати -10/-15°  
гача, шимолий ва чўл  
ҳудудларда -19/-24° гача  
пасайган. Фақатгина ре-  
спублика жанубида ва  
Фарғона водийсида ҳаво  
унчалик совуқ бўлмаган,  
минимал ҳарорат 1-6  
даража совуқ атрофида  
бўлган.

Бундан ташқари, 2022  
йили қор кўринишидаги ёғингар-  
чилик республиканинг марказий ту-  
манлари текисликлари бўйлаб қор  
қопламанинг шаклланишига олиб  
келган ва бу ҳолат 10 кун давом

этган. Максимал қор баландлиги  
деярли ойнанинг урталарида 13-17 см  
гача бўлган. Тоғли ҳудудларда қор  
қопламанинг баландлиги 40-90 см  
га етган.

Ўзгидромет жорий йилги декабрь  
ойида ҳаво ҳарорати нисбатан илиқ  
бўлишини прогноз қилган эди. Яқун-  
ланаётган ойнанинг ўртасида ре-  
спубликамизга кириб келган циклон  
оқибатида кунлар кечаси -15° гача  
совиди. Аммо тез орада совуқ оқими  
чекениб, ҳарорат илиқлашди.

Декабрнинг сўнги кунлари ва  
2024 йилнинг дастлабки кунла-  
рида ёғингарчилик қутилмаяпти,  
ҳаво ҳарорати нормага яқин, яъни  
кечалари -3-5° совуқ, кундузи 0-5°  
илиқ бўлади, деб хабар бермоқда  
Ўзгидромет.

Ўзбекистонда бундан 39 йил илгари, 1984 йилда **Бу қизиқ**  
сўнги 50 йилликдаги энг совуқ декабрь ойи кузати-  
лган. Бу ҳақда Ўзгидромет хабар берди.

Айтилишича, 1984 йил декабрь ойида ҳаво ҳарорати кечаси -18/-  
23 даражагача, баъзи жойларда -25/-27 даражагача совиб кетган.

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
“ТОШКЕНТ ТЕЛЕКОМ”**  
филиали жамоаси  
халқимизни  
кириб келаётган  
2024 йил билан  
муборакбод этади!

Янги йил юртдошларимиз учун  
чексиз имкониятлар, залворли  
ютуқлар йили бўлсин!  
Йил давомида хонадонларимиз-  
ни бахт, омад ва хурсандчилик  
тарк этмасин!

2024

**ОЛМАЛИҚ  
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ  
КОМБИНАТИ**  
акциядорлик  
жамияти жамоаси  
юртдошларимизни

Янги – 2024 йил  
билан салмишимиз  
қутлайди!

Мамлакатимиз равнақи,  
халқимизнинг фаровонлиги  
йўлидаги эзгу ишларингизда  
зафарлар ёр бўлсин!  
Янги йилингиз  
муборак, азизлар!



TOSHKENT HAQIQATI  
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va  
“Tashkentskaya pravda”  
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@mail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 20.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1231.

4 317 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.